

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА
КИРИТИЛГАН АЁЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЙАТИДА ХОТИН - ҚИЗЛАРНИ
ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Абдураимов Жавлонбек

ИИБ Академияси З-босқич курсанти, сафдор

Аннотация: Ушбу мақола орқали сиз профилактика инспекторининг алоҳида қўмакка муҳтож шахслар ўу жумладан алоҳида қўмакка муҳтож аёллар билан ишлаш, уларга ижтимоий ҳимоя қўрсатиш билан бир қаторда, хотин - қизларни тазиик ва зўравонлик ҳимоя қилиш бўйича амалий ёрдам бериши ҳамда аёллар дафтарига киритилган аёллар билан ишлашнинг замонавий усуслари ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Калит сўзлар: профилактика, инспектор, алоҳида қўмак, аёллар дафтари, тазиик ва зўравонликдан жабрланган аёл, ҳимоя ордери, реабилитация қилиш маркази.

КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарга ега бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли қўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Хусусан, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий ва психолагик қўмакка муҳтож аҳоли ва турмуш шароити оғир ахволдаги оиласаларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий оғир ахволини енгиллаштиришга, жамиятимизда тазиик ва зўравонликдан жабрланиётган ва унинг қурбонига айланаётган хотин - қизларни ҳимоя қилиш, жабрланган аёлларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оиласалар бўйича мутлақо янги — «Темир дафтар», ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-хунар ўрганишга еҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» тизимлари ҳаётга татбиқ етилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарликларида 2021 йил 26 февралда хотин-қизлар муаммоларини ҳал етиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини ошириш масалаларига бағишилаб ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида аҳоли,

айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳаёт ва турмуш шароитидаги муаммоларини аниқлаш, якка тартибда ишлаш орқали уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, шунингдек, хотин - қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, тазийқ ва зўравонликдан жабрдийда бўлган аёлрни хуқуқларини тиклаш, уларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш масалалари бўйича аниқланган муаммоларни комплекс ва манзилли ҳал қилиш, мутасаддиларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятини баҳолаш тартибини белгилаш юзасидан берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Аёлларни қўллаб қувватлаш қўминатасининг вазифа ва функсиялари

-хотин-қизларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш, илмий фаолиятга кенг жалб қилиш;

-оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-хуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;

-хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўнимкамларни егаллашлари учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни оиласиб ҳамда ҳусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш;

-хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оиласидаги маънавий-аҳлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича манзилли чоратадбирларни амалга ошириш;

-хотин-қизлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига ёрдам кўрсатиш.

Ички ишлар органларининг “ Хотин - қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда уларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш ” юзасидан ваколатлари.

Ички ишлар органлари:

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда иштирок этади;

Тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради, хотин-қизларга тазийқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши таҳдиidi мавжудлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқади;

Тазийқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳлантириш беради;

Ҳимоя ордерини беради;

Зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи.

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида **Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази** (кейинги ўринларда — Республика маркази) ва унинг ҳудудий бўлимларига жойлаштириш чораларини кўриш;

Шавкат Мирзиёев раислигига хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга бағищланган йиғилишда Президентимиз бу борада қилинган ишлар ҳақида бир нечта рақамларни келтирди. Жумладан:

- 2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қизлар доимий иш ўринларига ега бўлди;

- 2021 йилда 190 минг нафар аёллар касб-хунарга ўқитилди;

- 2020 йилда йўлга қўйилган “Аёллар дафтари” тизими доирасида 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психолого-кўмак берилиди;

- 2021 йилнинг ўзида 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига маблағ ажратилди;

- 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олийгоҳларга қабул қилинди, яна 1 минг 800 нафарига контрактлари тўлаб берилиди. Натижада 2021 йилда олийгоҳларга кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил етди (2016 йилда бу кўрсаткич 38 фоиз бўлган).

- 2021 йилда 1 минг 153 нафар аёлга юқори технологик тиббий операциялар бепул ўтказилди.

“Бу борада ҳали қўп ишлар қилишимиз зарур,” - дея таъкидлади Президент. Шунингдек : **Davlatimiz rahbari sohadagi muammoli masalalarni ham sanab o'tdi.**

2021 йилда ишсиз аёллар ўртасида жиноятчилик 1,7 бараварга, 18-30 ёшдаги хотин-қизлар томонидан содир етилган жиноятлар еса 2 бараварга кўпайган.

Булардан ташқари, оилада аёлларни хўрлаш, уларга зўравонлик қилиш ва тазийқ ўтказиш ҳолатлари ҳали мавжуд.

Ўтган 2021 йилда 39 мингга яқин хотин-қизлар оилада ери, қайнонаси, келини томонидан зўравонлик бўлаётгани ҳақида профилактика

инспекторларига мурожаат қилган. Бу рақамлар 2020 йилга нисбатан 2,5 баравар кўп.

"Афсуски, бу муаммоларни ҳал етишда маҳалла фаоллари, жамоатчилигимиз ва нуронийларимизнинг ўрни ва таъсири ҳам сезилмаяпти.

Бир нарсани аниқ тушунишимиз керак. Ҳам, оила, ҳам бола тарбияси билан шуғулланиш билан бирга, ўқиш, иш ёки тадбиркорликни олиб бориш катта матонат талаб қиласди", деди Президент.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Аёллар дафтари"ни юритиш ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, уларга нисбатан ўтказилиши мумкин бўлган тазийқ ва зўравонлик холатларини олдини олишда ҳамда уларнинг жабрланиш даражасини кескин камайтириш юзасидан давлат томонидан манзилли тарзда кўмаклашиш бўйича аниқ тизим яратилишига асос бўлади.

2021 йилда «Аёллар дафтари» киритилган аёлларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш , ҳимоя ордери бериш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишиланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро суди ташаббусига асосан Янгиҳаёт туманида яшовчи фуқаролар иштирокида "Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва оиладаги зўравонлиқдан жабрланганларга амалий ёрдам кўрсатиш" шиори остида семинар ташкил қилинди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар судининг Жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бўйича бош консультанти Садоқат Аллаберганова хабар қилди.

Учрашувда сўзга чиққан Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро суди раиси Файрат Эргашев Конституцияда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлигини, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийққа дучор этилиши мумкин эмаслиги қонун билан кафолатланганини таъкидлаб, бутун дунё ҳамжамиятида хотин-қизларнинг камситилиши, оиладаги зўравонликнинг олдини олиш юзасидан бир қанча меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинганига тўхталиб ўтди ва ҳимоя ордери ҳақида тўлиқ маълумот берди...

— БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда "Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида" Конвенцияси ушбу хужжатларнинг ilk кўриниши ҳисобланади.

Жумладан, мамлакатимизда ҳам 2019 йил 2 сентябрь куни "Хотин-қизларларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида" Қонуни қабул қилинган.

Оиладаги майший зўровонлик айрим ҳолларда оддий ҳодиса сифатида қабул қилинади. Турмуш ўртоғи томонидан камситилган ёки калтак еган аёллар бу ҳолатни кўпинча бекитишга уринади.

Ҳимоя ордери бериш амалиёти бундан икки йилча муқаддам, яъни Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жорий этилган.

Учрашувда сўзга чиққан Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича инспектори Нилуфар Ғиёсованинг айтишича, 2021 йилда тазийқ ва зўравонликка учраган 14 минг 774 хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. Бу кўпроқ Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Андижон вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келган. Хотин-қизлар 56 ҳолатда жинсий, 121 ҳолатда иқтисодий, 6 минг 836 ҳолатда жисмоний зўравонликка учраган бўлса, 6 минг 281 ҳолатда рухий босимни бошидан ўтказган. 1 минг 480 ҳолатда тазийқ остида қолган. Ҳимоя ордери олган аёлларнинг 11 мингга яқини эридан ҳимояланган. Ҳимоя ордери берилиши натижасида 14 минг 774 жиноятнинг олди олинган. Фақат ҳимоя ордери олган икки нафар шахс жиноятдан жабрланган. Ҳимоя ордери берилаётганлар орасида вояга етмаган шахслар ҳам бор. 125 нафар вояга етмаган қизга ҳимоя ордери берилган. Ҳимоя ордери олаётганларнинг асосий қисмини 30 ёшдан ошган аёллар ташкил этган. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг 73 фоизи уларнинг оиласарда, қолгани жамоат жойида, ишхона ва таълим муассасаларида содир этилган.

- Ҳимоя ордери берилаётган хотин-қизлар билан ишлашда профилактика инспекторлари ва хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар ўзаро ҳамкорлиқда фаолият олиб бормоқда, - дейди ИИВ инспектори Нилуфар Ғиёсова.

- Бу жараёнда маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш тизими ходимлари, психологлар ёрдамида муаммонинг сабаб ва ечимлари устида иш олиб борилмоқда. Ҳимоя ордери берилган оиласарда маҳалла фуқаролар йифинлари вакиллари билан ҳамкорлиқда олиб борилган профилактик ишлар натижасида 8 минг 166 оиласада эр ва хотин яраштирилган. 5 минг 46 оиласадаги низолар бартараф этилиб, қолганлари бўйича профилактик ишлар давом эттирилмоқда. Тазийқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган 146 нафар шахс ҳимоя ордери талабарини бажармагани учун маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ички ишлар вазирлиги ва Республика “Истиқболли авлод” ижтимоий-ахборот маркази билан ҳамкорлиқда тузилган “Аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида”ги меморандум асосида нотинч ва муаммоли оиласар аниқланиб, уларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилмоқда. Оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан, оиласий муаммолар ва турмушида зўравонликка дуч келган, шунингдек, ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган 302 нафар хотин-қиз “Зўрлик ишлатишдан жабр қўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари”га жойлаштирилган.

Кўриниб турибдики, ҳимоя ордери хайрли воситага айланган. Демак, оилада рўй берадиган турли нохушликларни бартараф этиш ўрнига уни хаспўшлашга уринишимиз бехуда иш. Аслида, муаммолар ҳақида гапириш - унинг ечими бўйича ташланган илк қадам, деб бежиз айтилмаган.

Қайд етилишича, ҳозирги кунда «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизимининг 3-босқичи бошланди.

«Аёллар дафтари» тизимининг 3-босқичини ташкил етиш бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Касаба уюшмалари федерацияси томонидан тегишли вазирлик ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда жорий йилда ҳам қатор ишлар амалга ошириш белгиланган.

Айни вақтда республикамиздаги барча маҳаллаларда яшовчи 30 ёшдан ошган хотин-қизларни хонадонма-хонадон юриш орқали қайта рўйхатдан ўтказиш ишлари бошланган. 2022 йил 31 январига қадар давом етиши белгиланган мазкур жараёнлар ҳар бир маҳаллада ташкил етилган Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан олиб борилади. Ушбу Ишчи гуруҳга фуқаролар йиғини раиси, унинг ҳуқуқ-тартибот ва оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича икки нафар ўринбосари, худудий давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари жалб етилган.

ХУЛОСА

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги З-сон [карорига](#) 1-иловаси :

Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низомга асосан профилактика инспекторлари тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин – қизларга ҳимоя ордери бериш бўйича ишларниамалга оширади .

З-босқичда аввало аёлларнинг муаммолари қайтадан ўрганилади. Бунда ҳеч бир ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қиз четда қолиб кетмаслигига алоҳида еътибор берилади. 2021 йилда 9 та тоифа бўйича хотин-қизлар «Аёллар дафтари»га киритилган еди. Бу йил еса 6 та тоифага қўра киритилади, рўйхат нега камайтирилди?

Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равища ҳал етиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг 2021 йил 29 декабрдаги кенгайтирилган йиғилишида 3-босқичда амалга ошириладиган ишлар белгилаб берилди.

Жорий йилда «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизими бўйича мавжуд қонунчилик ҳужжатларида қўйидаги муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдамлар «Аёллар дафтари»нинг қайси тоифасига киритилишидан қатъи назар, барча хотин-қизларга кўрсатилади.

«Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг еҳтиёжмандлик даражаси, яъни рўйхатга олиниши тоифалари сони ўзаро мувофиқлаштирилиши натижасида олдинги 9 тадан 6 тага камайтирилди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини таъминлашда амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича Ўзбекистоннинг халқаро индексларда юқори кўрсаткичларга ериштириш мақсадида «Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал етиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий-норматив ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, 2022 йилда «Аёллар дафтари”га ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ишсиз хотин-қизлар: бандлиги таъминланмаган, аммо ишлаш истагида бўлган, даромад манбаига ега бўлмаган еҳтиёжманд хотин-қизлар, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган аммо бандлиги таъминланмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар, боқувчиси вафот етган ёки жазони ижро етиш муассасаларида сақланаётган ёхуд руҳий касалликка чалинган, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, боқувчиси бедарак йўқолган ҳамда никоҳи бекор қилинган еҳтиёжманд хотин-қизлар ҳамда ФҲДЙО органларининг маълумотномасига кўра ёлғиз аёллар, ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, меҳнатга лаёқациз, ўзгалар парваришига муҳтоҷ хотин-қизлар, уй-жойга муҳтоҷ еҳтиёжманд, нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий турар жойи йўқ ёки турар жойида яаш учун шароити бўлмаган, бир хонадонда 3 ва ундан ортиқ оила бўлиб яшаётган, бироқ ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган еҳтиёжманд хотин-қизлар ва қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд еҳтиёжманд хотин-қизлар 6 та тоифалар бўйича рўйхатга олиниши режалаштирилмоқда.

Маълумот учун айтиш лозимки, «Ижтимоий ҳимоя ягона рйестри” ахборот тизимиға киритилган оиласалардаги хотин-қизлар ҳам «Аёллар дафтари”га киритилиши мумкин. «Аёллар дафтари”нинг 3-босқичи рўйхатига киритиладиган еҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш ишлари жорий йил 10 февралида якунланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 31.03.2022 йилдаги 145-сон
2. 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон
3. «Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал етиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 28.04.2021 йилдаги 250-сон

5. 2021 йил 26 февралда хотин-қизлар муаммоларини ҳал етиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини ошириш масалаларига бағишлиб ўtkazилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши

6. «Темир дафтар» ва «аёллар дафтари»га киритилган оиласарнинг фарзандлари ҳамда «ёшлар дафтари»га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида